**6/2-ЕК-сон ШАРТНОМА**

**Тошкент ш.** **«07» январь 2022 йил**

"UNICON.UZ" - Фан-техника ва маркетинг тадкикотлари маркази давлат унитар корхонаси ("UNICON.UZ" ДУК), номидан директорнинг биринчи ўринбосари Х.П. Хасанов устав асосида фаолият юритувчи, бундан буён матнда "Бажарувчи" деб аталувчи, бир томондан, ва Йирик солик тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солик инспекцияси, бошлиги в.б томонидан Ф.Ахмедов асосида фаолият юритувчи, бундан буён матнда "Буюртмачи" деб аталувчи, бошка томондан мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1."СОТУВЧИ" сотади, "ХАРИДОР" қуйида келтирилган маҳсулотларни сотиб олади:

| № | Товар номи | Ўлч. бир. | Сони | Нархи (сўм) | Қиймати (сўм) | ҚҚС (15%) | ҚҚС ҳисоби билан умумий нархи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | **«E-Kalit» аппарат дастурий қурилмаси** | дона | 3 | 200 000 | 600 000 | 90 000 | 690 000 |
| **Жами:** | | | | | **600 000** | **90 000** | **690 000** |

1.2. Шартноманинг умумий қиймати: 15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда: **Олти юз тўқсон минг сўм.**

## 2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун ичида 30% микдорида олдиндан тўлов амалга оширилади, қолган сумманинг 70% товар олгандан кейин 5 кун ичида тўланади.

## 3. ТОВАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Товарларни етказиб бериш "Сотувчи" олдиндан тўловни олган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади.

3.2. Товарни етказиб бериш "Харидор" ҳисобидан чақирув шартлари асосида амалга оширилади.

## 4. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ

4.1. Тўлов муддатларини бузганлиги учун, Харидор Сотувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,05% микдорида кечиктирилган тўлов пенясини тўлайди, лекин Шартнома қийматининг 10 фоизидан ошмаган ҳолда.

4.2. Етказиб бериш муддатларини бузганлиги учун Сотувчи Харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,05% микдорида кечиктирилган тўлов пенясини тўлайди, лекин ушбу Шартнома қийматининг 10 фоизидан кўп бўлмаган микдорда. Пеня фоизларини тўлаш Томонларни ушбу Шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

4.3. Ушбу Шартномани бажариш пайтида юзага келган барча низолар ва келишмовчиликларни томонлар музокаралари йўли билан ҳал этилади. Агар низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофик Тошкент туманлараро иктисодий судига кўриб чиқилиши учун тақдим этилади.

4.4. Томонлар ушбу Шартномада кўзда тутилмаган барча масалалар бўйича Фукаролик Кодекси, "Тадбиркорлик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ишлайдилар.

## 5. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Томонлар ундаги ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

5.2. Ушбу Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилгандагина, ҳар икки Томондан имзоланиб ва муҳр билан тасдиқланган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

5.3. Ушбу Шартнома бир хил қонуний кучга эга икки нусхада тузилган. Ҳар иккала томонда ушбу Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Буюртмачи ва Бажарувчи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди, агар улар фавкулотда вазиятлар натижасида бўлса: ёнгин, сув тошкини ва бошқа табиий офатлар, ҳар қандай характердаги ҳарбий ҳаракатлар, ушбу Шартномани бажарилишини имконсиз қилувчи ахборот хизматларини кўрсатиш соҳасидаги амалдаги Қонунчиликдаги ўзгаришлар, шунингдек давлат органлари томонидан ахборотни етказиш, тақдим этиш ва улардан фойдаланишда чекловлар ўрнатилиши ёки Томонлар назорати остида бўлмаган бошқа ҳолатлар.

6.2. Фавкулотда вазият ҳолати юзага келган Томон бу хақда бошқа Томонга уч кун ичида хабар бериши шарт.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома ҳар икки Томон томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкун, бошқа Томон олдиндан 15 (ўн беш) календарь куни ичида бекор қилиш куни белгилангани ҳақда ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, мазкур Шартнома доирасида барча ўзаро хисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг Шартнома бир томонлама бекор қилинади.

7.3. Агар техник кўмак муддати тугагандан сўнг бир ой ўтгач Буюртмачи ушбу Шартнома бўйича хизматдан кейинги давр учун фойдаланиш ва тўлаш истагини билдирмаса, Шартнома автоматик равишда бир томонлама бекор қилинади.

## 8. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАР ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**“СОТУВЧИ”**

“UNICON.UZ” ДУК
Манзил: Тошкент ш., Мингбулоқ кўч, 38
Телефон: (71) 208-80-94 (93) 590 55 74
Ҳ/р № 2021 0000 9001 5527 8001
Банк: АТБ “Алокабанк” Тошкент шаҳар
МФО 00401
СТИР (ИНН) 200898586
ИФУТ (ОКЕД) 72190

_______________ **Х.П. Хасанов**

**“ХАРИДОР”**

Межрегиональная государственная налогавая инпекция по крупным налогоплательщикам
г. Ташкент, Шайхонтахурский, ул. Абай, д. 8.
Р/с: 4001 1086 0262 7770 1133 3093 00
ИНН: 306351034, ОКНХ: 84111
РКЦ ГУ упр Центрального банка РУз.по.г.Ташкенту
МФО: 00014
Опер. упр. Казначейства Мин. Фин
Каз Сч: 2340 2000 3001 0000 1010, ИНН: 201 122

Инспекция бошлиги в.б.

_______________ Ф. Ахмедов

YIRIK SOLIQ TO'LOVCHILAR BO'YICHA HUDUDLARARO DSI
YURIDIK BO'LIMI № 1
Imzo ______ „07" 01 2022 y.